

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5А220101 – 2.04

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “24” 08

МЕДИАЛОЙИХАЛАР БОШҚАРУВИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000	– Журналистика ва ахборот
Магистратура мутахассисликлари:	5А220101	– Журналистика (спорт журналистикаси)
	5А220102	– Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Н.С.Қосимова – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценти, ф.ф.н.
Ў.Мирзаёров – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири

Тақризчилар:

- С.Ҳақимов – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси (*кадрлар истеъмолчиси*).
Ю.Хамдамов – ЎзМУ, Журналистика факультети доценти, ф.ф.н.
Г.Нишонова – ЎзМУ, Журналистика факультети доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга медиалойиҳаларнинг жамиятдаги ўрни, шунингдек замонавий лойиҳалар тайёрлаш, уларни журналистика соҳасига тадбиқ этиш масалаларини қамраб олади. Журналистика соҳасининг турли йўналишларида медиалойиҳалар тайёрлаш, уларни амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари, журналистнинг касбий фаолияти моҳиятини тушунишда талабаларни зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради.

“Медиалойиҳалар бошқаруви” фани мутахассислик фанлари блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1 курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. “Медиалойиҳалар бошқаруви” фани бошқа фанларнинг назарий ва услубий бир қисмини ташкил қилиб, ўз ривожига аниқ йўналишдаги журналистика мутахассислигига кирувчи фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – журналистика факультети магистратура талабаларини халқаро журналистикада медиалойиҳалар бошқаруви асосларининг ўзига хос хусусиятлар, мавзу тамойиллари билан таништиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, фанга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- журналистикада медиалойиҳаларнинг ўрни ва аҳамияти, мустақил хорижий мамлакатлар ОАВ фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда медиалойиҳалардан фойдаланиш, ушбу жараёнда журналистнинг ижодий ва ташкилотчилик маҳорати, унга қўйиладиган талаблар, бугунги кунда медиалойиҳаларни жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти, медиалойиҳаларнинг тамойиллари, медиалойиҳаларни тайёрлашда барча замонавий усуллари, технологиялари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- ОАВ фаолиятида медиалойиҳаларнинг ўрнини ўрганиш, уларнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини аниқ мисоллар асосида изоҳлаб беришни, талабаларда журналист маҳоратини оширишни, магистратура талабалари

медиабойхаларни ёза билиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиши зарурлигини, мустақилликка қадар ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ОАВда медиабойхаларни тадбиқ этиш ва шу орқали замонавий таҳририят асосларини яратиш ҳамда журналистикада профессионаллашувнинг пайдо бўлишига олиб келганлигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- ривожланган мамлакатлардаги ОАВ таҳририятларида журналист профессионаллашувидан келиб чиқиб, тажриба орттириш, журналистиканинг турли йўналишларида медиабойхаларни ишлаб чиқа олиш, уларни самарали бошқариш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модуль. Аудиовизуал журналистикада медиабойхалар 1-мавзу. “Медиабойхаларни бошқариш” фанига кириш

Медиабойхалар тушунчаси. Уларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш босқичлари. Журналистика соҳасини ривожлантиришда медиабойхалар ўрни ва аҳамияти. Халқаро ва миллий журналистикада медиабойхалар ва уларни бошқариш амалиёти.

2-мавзу. Медиабойхаларнинг тузилиши ва таркиби

Медиабойха асослари. Таркибий қисмлари. Координатор вазифалари. Медиабойхаларнинг мақсад ва вазифалари. Мақсадли аудитория. Халқаро ва миллий донорлар.

3-мавзу. Медиабойхаларни яратиш ва амалга ошириш кўникмаси

Креатив ғоя. Командани шакллантириш. Муаммони қўйиш. Мақсадни шакллантириш. Вазифаларни қўя билиш. Медиабойха бюджети устида ишлаш. Медиабойхаларни ёзиш кўникмаси

4-мавзу. Радиода медиабойхалар яратиш асослари

Радиони ривожлантиришда медиабойхаларнинг ўрни. Радиода медиаинновация. Рақобатбардош муҳит. Мавжуд хавфлар. Креатив концепция. Реализация механизми. Янги донорларни қидириш. Радиолойхалар ва уларни яратиш асослари.

5-мавзу. Телевидениеда медиалойиха

Телевидение ривожлантиришда медиалойихаларнинг аҳамияти. Телевидениеда медиаинновация. Рақобатбардош муҳит. Мавжуд хавфлар. Янги донорларни қидириш. ТВ лойиҳалар ва уларни яратиш асослари. Ижтимоий роликлар- медиалойихалар кўзгусида

6-мавзу. Интернетда медиалойихаларни яратиш ва бошқариш

Онлайн медиалойиха ва унинг хусусиятлари. Медиалойихаларда мультимедиа воситалардан фойдаланиш. Лонгрид, сторимап, таймлайн – медиалойихалар самарадорлигининг омили. Онлайн медиалойиха аудиторияси. Мотивлар ва тўсиқлар. Google медиалойихаларни молиялаштирадими?

2-Модуль. ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ МЕДИАЛОЙИХАЛАР

8-мавзу. Илмий йўналишдаги медиалойихаларнинг ўзига хос хусусиятлари

Илмий йўналишдаги медиалойихалар мазмуни ва хусусиятлари. Илмий ғоя. Тадқиқот ўтказиш тамойиллари. Илмий янгилик. Объект ва предмет. Илмий йўналишдаги медиалойиханинг мақсади ва вазифаси. Илмий йўналишдаги медиалойихаларни амалга ошириш механизми. Донорлар.

9-мавзу. Кросс-медиалойихалар ва уларнинг журналистикада тутган ўрни

Кросс-медиалойихаларнинг мазмуни. Кросс- медиалойиха аудиторияси. Кросс-медиалойиха структураси. Мотивлар ва тўсиқлар. Амалга ошириш тамойиллари. Медиалойихани амалга оширишда қўлланиладиган усуллар конвергенцияси.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Медиалойихаларни бошқариш” фанига кириш.
2. Медиалойихаларнинг тузилиши ва таркиби.
3. Халқаро ва миллий донорлар.
4. Медиалойиха бюджети асослари.

5. Медиабойхаларнинг мақсадли аудиторияси. Уни социологик сўров усуллари орқали аниқлаш.
6. Медиабойхаларни яратиш ва амалга ошириш кўникмаси.
7. Радиода медиабойхалар яратиш асослари.
8. Телевидениеда медиабойиха.
9. Ижтимоий роликлар медиа лойиха кўзгусида.
10. Интернетда медиабойхаларни яратиш ва бошқариш.
11. Медиабойиха асосидаги лонгрид –муаммони аудиторияга етказишнинг мақбул усули.
12. Мультимедиавий сторителлинг –медиабойиха формати сифатида.
13. Журналистик суриштирув – медиабойиханинг асоси сифатида.
14. Илмий йўналишдаги медиабойхаларнинг ўзига хос хусусиятлари.
15. Кросс-медиабойхалар ва уларнинг журналистикада тутган ўрни.

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Медиабойхаларнинг тузилиши ва таркиби
2. Халқаро ва миллий донорлар
3. Медиабойиха бюджети асослари
4. Медиабойхаларнинг мақсадли аудиторияси. Уни социологик сўров усуллари орқали аниқлаш
5. Медиабойхаларни яратиш ва амалга ошириш кўникмаси
6. Радиода медиабойхалар яратиш асослари
7. Телевидениеда медиабойиха
8. Ижтимоий роликлар медиа лойиха кўзгусида
9. Интернетда медиабойхаларни яратиш ва бошқариш
10. Медиабойиха асосидаги лонгрид –муаммони аудиторияга етказишнинг мақбул усули
11. Мультимедиавий сторителлинг –медиабойиха формати сифатида
12. Журналистик суриштирув медиабойиханинг асоси сифатида
13. Илмий йўналишдаги медиабойхаларнинг ўзига хос хусусиятлари
14. Кросс-медиабойхалар ва уларнинг журналистикада тутган ўрни

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. A step-by-step guide to creating a media strategy. <http://www.socialbrite.org>
2. Шпаргалка для организаторов международных медиа-проектов. <http://youth.karelia.ru/index.ph>
3. Сидорова С.Ю. Моделирование стиля жизни в урбанистических медиапроектах // Медиаскоп. 2016. Вып. 4. Режим доступа: <http://www.mediascope.ru/2235>.
4. Кросс-медиа. 2014 All Right Reserved. Tilda Publishing Design Co.

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргалликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси– Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
11. Флорида Р. Креативный класс. Люди, которые меняют будущее. -М., 2007. 230 с.

Интернет сайтлари

12. www.gov.uz– Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
13. www.lex.uz– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
14. <http://naesmi.uz> –Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси сайти
15. <https://www.mtrk.uz> – Ўзбекистон миллий телерадиокомпания сайти
16. www.uzjournal.zn.uz – Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш марказининг сайти

